

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МАМАДАМИНОВА БАХТИГУЛ АБДУПАТТАЕВНА

**ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ВА
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР (1920-1924 й.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мамадаминова Бахтигул Абдупаттаевна

Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар
(1920-1924 й.).....

Мамадаминова Бахтигул Абдупаттаевна

Социально-экономические отношения Хорезмской Советской Народной
Республике (1920-1924гг.).....

Mamadaminova Bakhtigul Abdupattayevna

Social and economic relations in Peoples' Soviet Republic of Khorezm
(1920-1924).....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МАМАДАМИНОВА БАХТИГУЛ АБДУПАТТАЕВНА

**ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ВА
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР (1920-1924 й.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Tag619 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори

Ҳайдаров Иззатилла Махмудалиевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Tag.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

А.А.Маврулов

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Н.У.Мусаев

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда интеграцион жараёнларнинг кучайиши, ижтимоий-маданий ҳамкорлик халқлар ва давлатларнинг ўзаро яқинлашувига имконият яратмоқда. Мазкур жараёнда миллий давлатчиликнинг шаклланиши, жаҳон ҳамжамияти қаторига қўшилиши уларнинг ижтимоий- иқтисодий тараққиёти ривожда алоҳида ўрин эгалламоқда. Халқаро ташкилотлар ўз дастурларида миллий давлатларнинг ташкил топиши жараёнида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришга кўмак берган ҳолда мустақил тараққиёт йўлини белгилашга амалий кўмак бермоқда. Чунончи, ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўлнинг тарихий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг қатор йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида XX аср биринчи чорагида Туркистон минтақасида юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, большевиклар томонидан мажбурий тарзда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Хоразм ва Бухорода мавжуд бўлган анъанавий миллий давлатчилик ўрнига “халқ республикалари” номи остида совет ҳокимиятини зўравонлик билан қарор топиши ҳамда минтақани социалистик тараққиётга тортиш орқали бу ерда советлаштириш ва руслаштириш сиёсатини олиб бориши каби муаммолар устувор масалалар сифатида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамиятнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилашга замин яратди. Айниқса, маданий-маърифий ҳаётда олиб борилган сиёсат соҳада ижобий ўзгаришларга имкон яратиб, миллий ўзликни англаш, асрий ва миллий қадриятларни улуғлаш учун хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон тарихига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг босқичлари, жумладан, XX аср бошларида минтақада юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, совет ҳокимияти йилларидаги ҳаётини ёритишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789–сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4390-сон “O`zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот

республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар (1920 – 1924 й.) мавзусига оид тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳ: 1) совет даври; 2) мустақиллик йиллари; 3) хорижий тарихчиларнинг тадқиқотларига ажратиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб совет ҳокимияти йилларида чоп этилган тарихий тадқиқотларда¹ Хива хонлигининг афдарилиши ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)нинг ташкил топиши, Хоразм воҳасида амалга оширилган ўзгаришлар, ХХСРнинг Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантирилиши, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш ва Ўзбекистон ССРнинг тузилиши, совет давлатчилиги қурилиши ҳамда бошқа масалалар ўрганилган. Хусусан, Ҳ.Турсунов, Г.Непесов, А.Гордиенко, Х.Ҳамдамов, М.Ҳакимов, Г.Билялов, И.Погорельский, Қ.Мухамедбердиев асарлари бу соҳада муҳим роль ўйнайди.

Мустақиллик йилларида чоп этилган тарихий адабиётлар орасида коллектив ва фундаментал тадқиқотлар² муҳим ўрин эгаллайди. Бу мавзуга оид Р.Ражапова, Қ.Ражабов, О.Қўшжонов, М.Матниёзов, О.Машарипов,

¹Турсунов Ҳ.Т. Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. – Т.: Изд. АН Узбекской ССР, 1957; Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Т.: Ўз ССР ФА нашриёти, 1958; Непесов Г. Великий Октябрь и народные революции 1920 года в Северном и Восточном Туркменистане. – А.: Туркменгосиздат, 1958; Унинг ўзи. Из истории Хорезмской революции. 1920-1924 гг. – Т.: Госиздат УзССР, 1962; Гордиенко А.А. Создание народно-советское государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. – Т.: Издательство САГУ, 1959; Унинг ўзи. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1959; Унинг ўзи. Образование Туркестанской АССР. – М.: Юридическая литература, 1968; Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг афдарилиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши. – Т.: “Ўздавнашр”, 1960; Ҳакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – Т.: “Наука”, 1965; Билялов Г.М. Культура и просвещение в Хорезмской Народной Советской Республике. – Т.: “Фан”, 1966; Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: “Ўзбекистон”, 1969; Агзамходжаев А. Образование и развития Узбекской ССР. – Т.: “Фан”, 1971; История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: “Наука”, 1971; Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том III (1917-1937 й.). Бош муҳаррир: И.М. Мўминов. – Т.: “Фан”, 1971; 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г.Хива – г.Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. – Т.: “Фан”, 1972; История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Под редакцией И.М. Муминова. – Т.: “Фан”, 1976; Погорельский И.В. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики 1917 – 1924 гг. – Л.: Изд. Ленинградского университета, 1984; Мухамедбердыев К.К. История Хорезмской революции. – Т.: “Фан”, 1986; История Каракалпакской АССР (с древнейших времен до наших дней). Под ред. Нурмухамедова М. – Т.: “Фан”, 1986 ва б.

²Хива минг гумбаз шаҳри. Илмий муҳаррирлар: Э.Ртвеладзе, Н. Ҳабибуллаев. – Т.: “Шарқ”, 1997; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я Раджапова. – Т.: “Шарқ”, 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Т.: “Шарқ”, 2001; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Т.: “O'zbekiston”, 2019.

Б.Кошанов, Н. Полвонов, М. Маткаримовнинг тарихий тадқиқотлари³ ҳамда муаммонинг айрим жиҳатлари ёритилган А.Расулов, Г.Мўминова, М.Ҳайдаров, А.Ерметов, А.Пардаев, О.Рашидов, Ш.Саидов, Д.Жуманиёзов ва бошқаларнинг ҳимоя қилинган диссертациялари ва монографиялари⁴ мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон тарихининг совет даврига оид турли дарсликлар ва маълумотномаларда⁵ ҳам муаммонинг баъзи жиҳатлари ўрганилган.

1991 йилда СССР тарқалиб, унинг ўрнида мустақил миллий давлатлар ташкил топгач, Россия Федерацияси, Туркменистон, Қозоғистон ва Тожикистонда яратилган баъзи тарихий тадқиқотларда⁶ Хоразм Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳарбий ҳаракатлар тадқиқ этилди.

Шунингдек, Туркия, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа узок хорижий мамлакатларда нашр этилган айрим тадқиқотлард⁷ ҳам Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, большевикларнинг миллий сиёсати ва ХХСР тарихининг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилди.

³Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993; Кошанов Б. Право на вторжение. – Нукус: “Каракалпақстан”, 1993; Кошанов Б., Сейтназаров М. Революция? Вторжение? Событие в Хивинском ханстве (1919-1920 гг.). – Нукус: “Билим”, 1997; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпақстана в первой четверти XX века. – Нукус: “Каракалпақстан”, 1997; Хоразм тарихи. II жилдлик. 2-жилд. Масъул муҳаррир М. Матниёзов. – Урганч: “Хоразм”, 1997; Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). – Т.: “Abu matbuot-konsalt”, 2007; Машарипов О. Хоразмнома. Тўртинчи китоб. Хоразм Халқ Республикаси. – Урганч: “Хоразм”, 2010; Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). – Т.: “Akademnashr”, 2011 ва б.

⁴Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917 – 1924 й.) –Т.: “Университет”, 2005; Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917 – 1924 йилларда). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 – 1941 й.) – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012; Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Т.: “Yangi nashr”, 2015; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 й.). – Т.: “Yangi nashr”, 2015; Рашидов О. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918 – 1933 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Т., 2018; Жуманиёзов Д.Қ. Туркистон АССРдаги Амударё вилоятининг тарихи (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Т., 2019; Ирзаев Б., Раҳмонов Ю. Хоразм вилояти хотира китоби. –Т.: Akadem nashr, 2019 ва б.

⁵Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й.). –Т.: “Ўқитувчи”, 1994; Ўзбекистон тарихи Р.Ҳ. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Т.: “O`zbekiston”, 2015; Rajabov Q., Zamonov A. O`zbekiston tarixi (1917 – 1991 y.). 1-nashr. – Т.: G`afur G`ulom nashriyoti, 2017 ва б.

⁶Мухаммадбердиев К.Б., Орезгыкыжов Я. Туркменистанын тарыхындан материаллар. 1917 – 1994 й. – Ашгабат, 1997; История таджикского народа. Том V. Новейшая история (1917 – 1941 гг.). – Душанбе, 2004; Алланиязов Т. Красные Каракумы. Очерки истории борьбы с антисоветским повстанческим движением в Туркменистане (март – октябрь 1931 года). –Жезказган-Алматы: «OST XXI век», 2006; Алланиязов Т., Таукенов А. Последний рубеж защитников номадизма. Истории вооруженных выступлений и повстанческих движений в Казахстане (1929-1991 гг.). –Алматы: «OST – XXI век», 2009; Бойко В.С. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919 –1953 гг. –Москва-Баркаул, 2010; История России с древнейших времен до наших дней. Под редакцией А.Н.Сахарова. –М.: «Проспект», 2014.

⁷Alexander Park. Bolshevizm in Turkistan: 1917 – 1923. – New York, 1957; Ahat Andican. Cedidizm'den bağımsızlığa. Hariçte Türkistan mücadelesi. – İstanbul: Tunç matbaacılık, 2003; Baymirza Hayit. Milli Türkistan hürriyet davası. – Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı yayınları, 2004; Khalid, Adeeb. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Eraly USSR.–London: Cornell University Press Ithaca and London, 2015.

Бироқ мазкур тадқиқотларда, хусусан, совет тарихшунослигида ХХСРдаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тарихи мавзуси ҳеч қачон алоҳида тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмаган. Шунинг учун ҳам мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий ишлари режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ ИФА-2012-1-4 “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йй.)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм воҳасида республика тузумининг ўрнатилиши ва янги муносабатларнинг шаклланишини ёритиш;

ХХСРдаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатларга большевиклар ва Марказнинг таъсирини кўрсатиб бериш;

Хоразмдаги сиёсий ва жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолиятини тадқиқ этиш;

ХХСРда маорифнинг ҳолати ва ундаги ўзгаришларни динамик равишда таҳлил қилиш;

ХХСР ҳукуматининг соғлиқни сақлаш ва хотин-қизлар масаласидаги сиёсати ҳамда маданият муассасалари аҳволини кўрсатиш;

воҳадаги иқтисодий ўзгаришлар ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши ҳамда Хоразм Республикасининг тугатилишини асослаш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм Халқ Совет Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлардаги фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини мавзуга оид хронологик даврда Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, ушбу даврдаги тарихий жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий - хронологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ёш хиваликлар ўзларининг ислохотчилик ғоялари ва давлатчилик қарашларини ўзлари бошқараётган янги ҳукуматда амалга ошириши жараёнида республика аҳолиси хонликдан мерос қолган асоратларни тугатиб,

дастлабки демократик ўзгаришларни ҳаётга жорий этиш учун кураш олиб борганлиги исботланган;

ХХСРда таълим ва маданият соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида замонавий таълим тизимининг пойдевори қўйилганлиги, айнан республика йилларида Хоразм маданияти ва санъати янги босқичга кўтарилганлиги, дастлабки театрлар ташкил қилинганлиги ва кинематография санъатига асос солинганлиги, соғлиқни сақлаш соҳаси ва хотин-қизларни жамият ҳаётига тортиш ҳамда кенг жалб қилиш даражаси далилланган;

Хоразм тараққийпарвар кучлари ва Ёш хиваликларнинг иқтисодий ислоҳотлар дастури ва унинг янги ҳукумат томонидан амалга оширилиши, мамлакат ҳаётида иқтисодий сиёсатнинг оқилона юритилиши деҳқончилик, хунармандчилик ва саноатнинг ривожланишига имкон яратганлиги асосланган;

ХХСР давлати етакчилари ва маҳаллий миллий кучларнинг мустақил сиёсат юритиши Марказнинг минтақадаги вакиллари ва большевикларга ёқмаслиги, республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг сунъий тарзда жадаллаштирилиши, жамиятда советлаштириш ва руслаштириш таъсирининг кучайиши, пировардида тарихий Хоразм воҳасида миллий давлатчиликка барҳам берилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёзишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

ХХСРда амалга оширилган турли ислоҳотларнинг ютуқлари ва камчиликлари, янги ҳукумат сиёсатининг моҳияти очиқ берилган;

архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий манбалар таҳлили асосида Хоразм Республикаси тарихининг кам ўрганилган ёки ноаниқ бўлиб турган жиҳатлари ўрганилиб, янги маълумотлар илк марта илмий муомалага киритилган;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш учун муҳим амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўплаб тарихий манбалар ва адабиётлардан фойдаланилганлиги ҳамда бу тарихий манбалар ва адабиётларнинг танқидий таҳлили, уларга қиёсий ёндашилганлиги асосида чиқарилган илмий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан бугунги кунда Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боришда, республика олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ўқувчилари учун турли дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм Халқ Совет Республикасида 1920–1924 йилларда бўлган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тарихи мавзусига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ёш хиваликларнинг ислохотчилик ғоялари ва давлатчилик қарашларини ўзлари бошқараётган янги ҳукуматда амалга ошириши жараёни, республика аҳолиси хонликдан мерос қолган асоратларни тугатиб, дастлабки демократик ўзгаришларни ҳаётга жорий этиш учун курашларига оид илмий натижалардан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган ПЗ-20170930170 “Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгиланиш механизмларини такомиллаштириш” номли амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-642-сон маълумотномаси). Натижалар Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги, Хоразмдаги янги давлат бошқаруви тизими, Ёш хиваликларнинг янги ҳукуматда юритган сиёсати ва жамиятда турли ислохотларни амалга оширишдаги фаолиятини янги маълумотлар билан очиқ беришга имконият яратган.

ХХСРда таълим ва маданият соҳасида амалга оширилган ислохотлар, замонавий таълим тизимининг пойдевори қўйилши, Хоразм маданияти ва санъати янги босқичга кўтарилиши, дастлабки театр ва кинематография санъатининг кириб келиши, соғлиқни сақлаш соҳаси ва хотин-қизларни жамият ҳаётига тортилишига оид илмий натижалардан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканали “Тақдимот” ва “Эврика+” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 31 январдаги 01/01-84-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши томошабинларга Хоразм Халқ Совет Республикасида 1920–1924 йилларда бўлган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ҳақида объектив маълумотлар етказиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро конференция ҳамда 14 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 10

та мақола, жумладан, 7 та мақола республика журналлари ва 3 та мақола хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хоразм воҳасида республика тузумининг ўрнатилиши ва янги муносабатларнинг шаклланиши”** деб номланган биринчи бобида Хива хонлигининг тугатилиши ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)нинг ташкил топиши, ундаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатларга большевиклар ва Марказнинг таъсири, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши ҳамда Хоразм Республикасининг тугатилиши каби масалалар ёритилган.

Совет Туркистони раҳбарияти ва уларнинг ҳарбий кучлари мустақил давлатлар ҳисобланган Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги худудини босиб олиб, бу давлатлар ўрнига инқилобий ҳукуматлар ташкил этишга ҳаракат қилди. Бу РКП (б) МК ва РСФСР раҳбариятининг Шарққа нисбатан тутган янги йўлининг Туркистон минтақасида акс этиши эди. 1918 – 1920йилларда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида, шунингдек, хонликларга яқин ва чегарадош давлатлар бўлган Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда ўз миқёсига кўра жуда катта миллий озодлик ҳаракатлари ва турли қўзғолонлар бўлди. Большевикларнинг олий сиёсий раҳбарияти ўртасида 1919 йил ёзида Шарқ мамлакатларида авж олган озодлик ҳаракатларини совет Россияси манфаатига бўйсундириш учун фойдаланиш режаларини амалга ошириш, бу империявий режага эришиш учун ҳатто ҳарбий куч ва зўравонлик ишлатишдан ҳам тўхтамаслик фикри кучайди⁸.

1919 йил 22 декабрда Туркистон комиссияси директивасига биноан Туркистон комиссияси ва Туркистон фронти (Туркфронт) вакили Г. Скалов ва Амударё гуруҳи кўшинларининг қўмондони Н.М. Шчербаков Хива хонлиги худудига “унинг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун” бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Амударё (Хива) гуруҳи кўшинларининг қисмлари икки отрядга: Н.А. Шайдаков қўмондонлигидаги Шимолий отряд ва Н.М. Шчербаков қўмондонлигидаги Жанубий отрядга

⁸Қаранг: *Персиц М. А.* Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920 – 1921 гг. 2-изд. – М.: “Муравей-Гайд”, 1999. – 200 с; *Генис В.* Красная Персия. Большевики в Гиляне 1920 – 1921. Документальная хроника. – М.: “МНПИ”, 2000. – 560 с.

бўлинди. 23 декабрда совет кўшинларининг хонлик ҳудудига бостириб кириши бошланди. Жанубий отряд таркибида хивалик қочоқлар (Ёш хиваликлар, коммунистлар ва ҳ.к.) дан ташкил топган кўнгилли отряд ҳам курашди. Совет кўшинлари илгарилаб борган сари уларга туркман ва ўзбек аҳолисидан ташкил топган кўзғолончилар отрядлари кўшилаверди. Тез орада хивалик кўзғолончиларнинг умумий сони 3000 кишига етди. Совет кўшинлари Жунаидхон йигитлари қаршилигини енгиб, кўзғолончилар отрядлари билан биргаликда Кўҳна Урганч, Эминқалъа, Порсу, Иляли, Тошҳовузни қўлга киритди. Улар 1920 йил январь ойининг иккинчи ярмида Жунаидхон кўшинларига Ғазовот туманида жиддий зарба бериб, пойтахт Хивага яқинлашиб келдилар ва 1 февралда шаҳарни жангсиз эгалладилар.⁹ 2 февралда Хива хони Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди.

Хивада хонлик тузуми ағдариб ташланган куннинг ўзида Ёш хиваликлар фирқаси аъзоларидан иборат Муваққат инқилобий кўмита тузилиб, Тўрткўлдаги Ёш хиваликлар инқилобий кўмитасининг бошлиғи Мулла Жуманиёз Султонмуродов унга раис қилиб тайинланди. Кўмита таркибига уламолар вакили Одамохун Ортиқов, йирик савдогар Матпанобой Мадраҳимов, туркманлар вакиллари Мулла Ўроз Хўжамухамедов ва Мулла Наврўз Рўзиев аъзолар қилиб киритилди.¹⁰ Бу кўмита 2 ой давомида ҳам конун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарди.

Ёш хивалик жадидлар Хоразмда ағдариб ташланган хонлик тузуми ўрнига демократик республика куриш учун интилдилар. Янги давлатнинг асосларини яратишда 1920 йил 26 – 30 апрелда бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойи катта роль ўйнади. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Қурултойда 15 кишидан иборат ёш республика ҳукумати – Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси тузилди.¹¹

Ҳукумат бошлиғи П. Юсупов тажрибали давлат арбоби бўлиб, у дастлабки кунлардан бошлаб Хоразм Республикасида демократик ислохотларни ўтказиш, мамлакатнинг амалда мустақил бўлиши учун курашди.

ХХСР биринчи ҳукумати нозирларининг аксарияти жадидлардан иборат бўлган ва шу сабабли ҳукумат Ёш хиваликлар ҳукумати деб юритилган. Ёш хиваликлар мамлакатда хонликдан қолган асоратларни тугатиш, республикада демократик тузумни қарор топтириш, мустақил Хоразм давлатини барпо қилиш учун курашди. Россия расмий доиралари, Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti вакиллари мустақил сиёсат юритишга интилаётган Ёш хиваликлар ҳукуматини бадном қилиш учун жон-жаҳди

⁹Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С. 304 – 305.

¹⁰Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 11-варақ; *Матқаримов М.* Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч: “Хоразм”, 1993. – Б. 14 – 15.

¹¹*Ражабов Қ.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 186 – 187.

билан ҳаракат қилди. Совет давлатининг қуролли ифвогарликларига қарамай, Ёш хиваликлар ҳукумати қарийб бир йил яшади.¹²

Хивада монархияга асосланган хонлик тузуми ағдариб ташлангандан кейин ҳокимиятнинг янги бошқарув шакли, яъни республика бошқаруви ўрнатилди. Янги ташкил топган Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)да демократик ислохотларни жорий қилиш учун кураш бошланди. Ёш хиваликлар партияси раҳбарлари ҳокимиятга қизил армия ва большевиклар ёрдамида келган бўлсалар ҳам Хоразмда яшаётган аҳолининг кенг қатламлари манфаатлари учун курашдилар. Бироқ Хоразм тупроғига бостириб кирган қизил армия қисмлари бу ерни тарк этмади. Совет Россияси ва унинг ҳукмрон доиралари, Туркистон АССРдаги большевиклар “хонлик зулми”дан қутулган хоразмликларни қизил армия кучлари ёрдамида “советлаштириш ва руслаштириш”га, бутун минтақада совет ҳокимиятини мустақкам қарор топтириш учун барча воситалар билан ҳаракат қилди.

1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси, ҳарбий-сиёсий ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим каби ҳужжатлар имзоланган эди.¹³ Шартномада Россия томонидан “Хоразм Халқ Совет Республикасининг тўла эркинлиги ва мустақиллиги” тан олинган бўлса-да, амалда у қуруқ декларация бўлиб чиқди.

Тарихий тадқиқотларда тўғри таъкидлаганидек, Хоразмда ХХ аср бошларида асосий сиёсий куч Ёш хиваликлар партияси бўлган. Ёш хиваликлар хоннинг ва унинг амалдорларининг мустабид зулмига қарши Хоразм аҳолисининг курашига бошчилик қилди. Улар 1920 йил февралдан 1921 йил март ойигача бир йилдан ортиқ вақт давомида ХХСР ҳукуматыни ҳам бошқардилар. Бироқ 1921 йил 6 мартда Хивада турган қизил армиянинг сиёсий бўлими раҳбарлигида амалга оширилган фитна натижасида Полвонниёз Ҳожи Юсупов ҳукумати ағдариб ташланди. 1921 йил март ойида махсус декрет билан Ёш хиваликлар партияси фаолияти бутунлай тақиқланди.¹⁴

Тўнтаришдан кейин ҳукуматнинг собиқ раиси яширинишга зўрға улгурди¹⁵. Бироқ орадан кўп ўтмай, у қамоққа олинди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган айрим нозирлар Жунаидхон кўшинлари сафига бориб кўшилди. Сиёсий бошқарма рўйхати асосида 6 кишилик Муваққат инқилобий комитет (ревком) тузилгани эълон қилинди. Унга Собирберган Қўчқоров раис қилиб тайинланди.

Шундай қилиб, Хоразм Халқ Совет Республикасида яна ташқи кучлар томонидан давлат тўнтариши ўтказилди ва қонуний сайланган Ёш

¹²Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар.– Б. 115.

¹³История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Сборник документов. –Т.: Фан, 1976. –С. 56 – 64.

¹⁴ Қаранг: Ражабов Қ. Ёш хиваликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том.3. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2002. – Б. 498-500.

¹⁵Қаранг: Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). –Урганч: “Хоразм”, 2000. –Б. 354 – 356.

хиваликлар ҳукумати ағдарилди. Афсуски, бу ҳолат ХХСР мавжуд бўлган кейинги йилларда яна ҳам давом этди.

1921 йил июль ойида Хоразм Марказий Ижроия Қўмитасининг декретига биноан 8 та муваққат инқилобий комитетлар (ревкомлар) ўрнида Қўнғирот, Манғит, Хўжайли, Хонқа, Тошовуз, Янги Урганч, Ҳазорасп, Ғазовотда район ижроия комитетлари (райисполкомлар) ташкил қилинди¹⁶.

ХХСР ҳукумати таркиби ҳам ўзига хос бўлиб, ҳукумат аъзолари бўлган нозирлар, яъни вазирлар этник жиҳатдан туб жой аҳоли бўлган ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлардан ташқари Марказ манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда қизил армия сафларида бўлган ва большевиклар партиясининг аъзолари ҳисобланган татарлардан иборат эди. Кейинчалик ҳукумат таркибига руслар ва бошқа европалик миллат вакиллари, Тошкентдан юборилган “тажрибали совет, партия, хўжалик раҳбарлари ва ходимлари” ҳам киритилди. Совет ҳокимияти ва большевиклар Хоразмда бу даврда тез-тез турли фитна ва исёнларни уюштириб, ХХСР ҳукуматини зўрлик билан бир неча марта ағдариб ташладилар. Фақат 1920 йил февраль – 1921 йил июнь ойларида ХХСРда 2 марта муваққат инқилобий комитет (ревком) тузилиб, унга фавқулодда ҳуқуқлар берилди. Бу ревком амалда ХХСР ҳукумати устидан назорат ўрнатиб, большевикларнинг Хоразмда юритган мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилди.

Хуллас, 1921 йил охирлари ва 1922 йил бошларидан бошлаб Хоразмда давлатчиликнинг мустақил ривожланишига катта зарба берилди. ХХСР расман мустақил республика ёки давлат бўлса ҳам, у аслида совет Россияси ҳимояси остида ва унинг қонунлари асосида иш кўришга мажбур қилинди. Хоразмдаги миллий раҳбар ходимлар доимий равишда Марказ тазйиқи остида фаолият кўрсатди.

РКП(б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э. Рудзутаққа мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди.

Яқинда чоп этилган иккита китобдан иборат “Ўзбекистон тарихи” номли фундаментал тадқиқотда таъкидланганидек, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда хаёлий хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм Республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб

¹⁶Мухамедбердыев К.К. История Хорезмской революции. – Т.: Фан, 1986. – С. 133.

олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди¹⁷.

Хоразм Компартияси раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартда бўлган ХКП МК Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди¹⁸.

Бироқ бу масалада Хоразм Республикаси раҳбариятининг ўз қарашлари бўлган. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул секретари Қаландар Одинаев, Марказий Комитет аъзоси Маткарим Абдусаломов ва бошқа миллий раҳбар ходимлар миллий-худудий чегараланишга ошқора равишда қарши чиққанлар. Улар Хоразмнинг ўзига хос табиий ва жуғрофик ҳамда миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, уни алоҳида федератив республика сифатида СССР таркибига кўшилиш таклифини илгари сурганлар. Бу миллий раҳбарлар ўз қарашлари ифодаланган ғоя ва таклифлари ифодаланган турли мактублар ва мурожаатномаларини бир неча марта Тошкент ва Москвадаги турли юқори органларга юборганлар.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси Марказий Комитети таркибини янгилагач ҳамда бошқарувда хоразмликлар ўрнини Тошкент ва Москвадан юборилган “тажрибали партия, совет ва хўжалик раҳбарлари” билан алмаштиргач, ўз режаларини силлиқлик билан амалга ошира бошлади. Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг янгиланган таркиби 1924 йил 26 июнда аввал 9 июнда қабул қилинган қарорни бекор қилди ҳамда Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон республикалари билан бир қаторда миллий-худудий чегараланиш жараёнига кўшди.

Хоразм Марказий Ижроия Комитети 1924 йил май ойида Хоразм ССР таркибида Туркман автоном вилояти ва Қорақалпоқ автоном вилояти тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди¹⁹.

1924 йил 29 октябрь – 2 ноябрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган Бутунхоразм Советларининг V қурултойи ҳам миллий давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. 30 октябрда қабул қилинган қурултой қарори асосида Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм Республикаси таркибидан ажралиб чиқиб, тегишли миллий республикалар ва автоном областларга бирлашиш ҳуқуқи берилди²⁰.

Диссертациянинг “Хоразм Халқ Совет Республикаси иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1920-1924 й.)” деб номланган иккинчи бобида ХХСРда хўжалик қурилиши ва

¹⁷ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. – Б.293.

¹⁸ Ўзбекистон миллий архиви, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 5-10-варақлар.

¹⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 15-16-варақлар.

²⁰ Ўзбекистон миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 32-варақ; “Туркестанская правда”, № 254.

аграр сиёсат масалалари ҳамда иқтисодий жараёнларда Хоразм Иқтисодий Кенгашининг тутган ўрни каби масалалар таҳлил қилинган.

1920–1921 йиллар давомида ХХСРда мусодара қилинган ерлар ҳисобига камбағал деҳқонлар, қароллар (батрақлар), беватанлар, қорандалар ва вақфчиларга 10000 десятина ер бўлиб берилди. Шунингдек, уларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, уруғлик, чорва моллари, уй-жой ва бошқа нарсалар ҳам берилди²¹.

1921 йил 4–11 декабрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг биринчи қурултойи уларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуруллари, уруғлик дон, ссуда билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултойда озиқ-овқат солиғи, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар иттифоқининг асосий масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги банки ташкил қилиш масаласи ҳам кўрилди. Ушбу банкнинг асосий вазифаси ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, иш ҳайвонлари, уруғлик ва бошқа нарсалар олиши учун қисқа муддатли қарз беришни ташкил қилишдан иборат эди²².

1920-1921 йилларда ХХСРда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, деҳқонларга ер бўлиб берилди. Бундан ташқари уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5000 чорва мол сотилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш билан бирга янгилари ҳам қурилди. Масалан, 1922 йил охиригача Хоразм деҳқонлари Ҳазораспдан Хўжайлигача бўлган ҳудудда 12 та дамба қурдилар. 1922 йилда чорикор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фонди тузишга ҳамда деҳқонларга узоқ муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкни таъсис этишга қарор қилинди. Банкка 3 млрд. сўм маблағ ажратилган. Хуллас, 1921–1922 йилларда 400000 танобдан ортиқроқ ер камбағал деҳқонларга берилди²³.

1923 йил 17-20 октябрда бўлган Бутунхоразм халқ вакилларининг IV қурултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.²⁴ 20 октябрда ХССРнинг 5та бўлим ва 12 бобдан иборат янги Конституцияси қабул қилинди. Афсуски, бу Конституция фақат мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унга мувофиқ ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил қилинди.

Хоразм Иқтисодий Кенгаши расмий равишда 1921 йил 15-23 майда бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг II қурултойида ташкил этилди²⁵. Хоразм Иқтисодий Кенгаши раиси этиб Шоқир Сиддиқов тайинланган. Кенгаш таркибида қуйидаги 3 та нозирлик бўлган:

²¹ Хоразм тарихи. II жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. –Урганч: “Хоразм”, 1997. –Б.45.

²² Жизнь национальностей (Москва), 1922, №4, с.11-12.

²³ Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 24-варақ.

²⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 116-117-варақлар; 45-иш, 25-29-варақлар.

²⁵ Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920-1924 йиллар). –Т.: “Yangi nashr”, 2015. –Б.91.

1. Ер-сув ишлари нозирлиги. Ўз навбатида у қишлоқ хўжалиги, ирригация, транспорт ва давлат иншоотлари бўлимларидан иборат эди.

2. Ишлаб чиқариш ва таъминот нозирлиги. У ўз навбатида савдо-сотик, меҳнат ва ташқи савдо бўлимларига эга эди.

3. Молия нозирлиги²⁶.

Марказ юритган сиёсат натижасида 1922 йил июлда бўлган Бутунхоразм халқ вакилларининг III қурултойида Хоразм Иқтисодий Кенгаши тугатилди. Унинг ўрнида ХХСР Ер ишлари, Молия, Савдо ва ишлаб чиқариш нозирликлари ташкил қилинди.

Бироқ ХХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1923 йил 10 февралдаги қарорларига кўра яна Хоразм Иқтисодий Кенгаши қайта ташкил қилинди. Иқтисодий Кенгаш раиси этиб А.Усмонов тайинланди.

Большевиклар сиёсатига моҳиятан баҳо берилса, СССРнинг марказий районлари маҳсулот етказиб берувчи, Ўрта Осиё республикалари эса хомашё етказиб берувчи минтақа эди. Шу маънода уларнинг иқтисодиёти шунга мослаштирилган ва назоратга олиниши керак бўлган. ХХСР пахтачилигини юксалтириш мақсадида 1923 йил 13 февралда Хоразм Иқтисодий Кенгаши ва РСФСР Бош пахта қўмитаси ҳамкорлигида Рус-Хоразм давлат пахтачилик ширкати ташкил қилинди²⁷.

1924 йил бошларига келганда Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)да халқ хўжалиги ва иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар бу ерда миллий масалани ҳал этишдаги кўплаб қийинчиликлар ва муаммолар билан биргаликда юз берди. ХССР ҳудудида азалдан ўзбеклар кўпчиликти ташкил қилган. Бироқ бу ерда туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар ҳам маҳаллий аҳоли сифатида мавжуд бўлган. ХХ аср бошлари ва кейинчалик бу ерда яшаган туркий аҳоли кўпчилиги ўзини хоразмликлар ёки хиваликлар деб атаган.

“ХХСРда ижтимоий сиёсат ва маданий ҳаёт соҳасида амалга оширилган ишлар” номли учинчи бобда Хоразмдаги сиёсат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти, ХХСРда маорифнинг ҳолати ва ундаги ўзгаришлар ҳамда маданият муассасалари аҳволи кўрсатилган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб, янги ва ёш республиканинг раҳбарияти қадим Хоразм диёрида демократик тузумни барпо этишга киришди. Мамлакатда сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳам турли ислохотларни, жамиятни янгилаш ва демократиялашувга хизмат қиладиган тадбирларни амалга ошириш бошланди.

Ёш хиваликлар партиядан ташқари бу пайтда Хоразм сиёсий майдонида бошқа бир куч – коммунистик партия пайдо бўлган эди. Хива Иштирокиюн фирқаси деб номланган (кейинчалик Хоразм Коммунистик партияси деб ном олган) бу сиёсий куч вакиллари Марказдан юборилган

²⁶Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 104-варақ.

²⁷Ўзбекистон миллий архиви, 73-фонд, 1-рўйхат, 81-иш, 4-8-варақлар.

большевиклар ва қизил аскарлар ёрдамида Хоразмда сиёсий ҳокимиятни кўлга олиш учун аввал Ёш хиваликларга, сўнгра эса бошқа тараққийпарвар миллий арбобларга қарши курашдилар²⁸.

1920 йил май ойи охирида Хива шаҳрида Бутунхоразм коммунистик партия комитетларининг I таъсис партия конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция РКП (б) МК ҳамда Туркистон Компартияси ва Бухоро Компартияси вакилларининг ёрдами билан ташкил қилинди. Конференцияда Хива иштирокиюн фирқаси (кейинчалик Хоразм Коммунистик партияси деб аталган) ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилиб, инқилобий ўзгаришлар бўлаётган Хоразмдаги мураккаб бир шароитда унинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланди. Хива коммунистларининг ХХСРдаги бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар: Советлар (Шўро), деҳқон комитетлари (“Қўшчи” уюшмаси), Хоразм ёшлар союзи (Хоразм ёшлар иттифоқи) ва профсоюзлар (касаба уюшмалари) билан ўзаро муносабатлари ва тутган йўли конференцияда белгилаб олинди²⁹.

Бу конференцияда Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети (ХКП МК) ҳам сайланди. Марказий Комитет таркибига хивалик коммунистлардан ташқари Туркистон ва Бухоро Компартиялари юборган тажрибали партия, хўжалик, сиёсий ва ҳарбий ходимлар ҳам киритилди. Хоразм Компартияси Марказий Комитети раиси қилиб қизилтепалик ишчи (Бухоро), тажрибали коммунист, РКП(б) МК топшириғи билан аввал Бухорога, сўнгра Хоразмга юборилган Олимжон Акчурин (татар) сайланди. Аввалдан шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, айнан Олимжон Акчурин бутун Туркистон минтақасида, хусусан, Бухоро ва Хоразмда ўзини Марказ вакили сифатида хўжайинлардек тутиб, маҳаллий аҳоли вакилларига нисбатан шовинистик муносабатда бўлди. Айнан О.Акчурин Туркистон халқларининг совет режимига қарши миллий озодлик ҳаракатини бостиришда қизил армия ва совет кўмондонлигига катта ёрдам берди. Шунинг учун ХХСР ҳукуматининг талаби билан 1920 йил ёзида Акчурин Хоразмдан чақириб олинди.

1920 йил май ойидан бошлаб Хоразмда кўп партиялик таъқиқланди, Ёш хиваликлар (улар амалда 1921 йил март ойигача фаолият кўрсатишган)нинг катта қисми шароит тақозоси билан Хоразм Компартияси сафларида иш олиб боришларига тўғри келади³⁰.

Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг матбуот органи – “Инқилоб кўёши” газетасининг дастлабки сони 1920 йил 17 мартда чиққан, газета муҳаррири Олимжон Акчурин бўлган³¹. Бу газета ўзбек тилида ҳафтасига 2 марта 600 нусхада нашр этилган³².

²⁸ Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). – Т.: Akadem nashr, 2011. – Б. 89.

²⁹ Мухамедбердыев К.К. История Хорезмской революции. – Т.: Фан, 1986. – С. 100-101.

³⁰ Мухамедбердыев К.К. История Хорезмской революции. – Т.: Фан, 1986. – С. 102.

³¹ “Инқилоб кўёши”, 1920 йил 17 март.

³² Непесов Г. Из истории Хорезмской революции. 1920-1924 гг. – Т.: Госиздат УзССР, 1962. – С. 186.

1920 йил 17 ноябрда қизил армия ичида сиёсий бошқарма (Пурхив) ташкил қилинди. Унга бошчилик қилган Ҳамза Мусаев (татар) фирқа номидан барча раҳбарликни ўз қўлига олди.

1920 йил декабрда Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлари (Жуманиёз Султонмуродов ва б.) Тошкент ва Москвага чақириб олинди. Хоразм Компартияси МК бюро аъзоси ва секретари қилиб яна бир татар коммунисти Зокир Бекчурин тайинланди. Бироқ Туркистон комиссияси ва Туркбюро томонидан Хоразм Компартияси Марказий Комитети тарқатиб юборилиб, унинг вазифаси Пурхивга юклатилди. “Хоразм қизил армияси”да ҳам тозалаш ўтказилиб, Ёш хиваликлар таъсиридаги миллий аскарлар армиядан чиқарилди. Бундан ташқари Хоразмда “сиёсий фирқавий ишлар”³³ ҳам авж олдирилди.

Тез орада большевиклар ва уларнинг тарафдорлари бўлган қизил армия сиёсий ходимлари Хоразм Компартияси Марказий Комитетида хукмронликни қўлга олишади. Ж.Султонмуродов партия ва давлатдаги лавозимларидан бекор қилиниб, камоққа олинади. Большевиклар 1921 йилдан бошлаб Хоразм Компартиясини ўзларига асосий қурол қилиб олиб, Компартия сафларидаги коммунистлар (уларнинг кўпчилиги хоразмлик маҳаллий аҳоли вакиллари эди) қўли билан Хоразмдаги миллий кучларга қарши курашни авж олдирадilar.

Совет ҳокимияти ва большевиклар Хоразм Компартиясини мустақамлаш ниқоби остида партия сафларида узлуксиз равишда (1920 йил декабрь, 1921 йил ёзи, 1923 йил кузи ва б.) тозалашлар ўтказиб, партия аъзоларини қайта рўйхатга олдилар³⁴. Бу қайта рўйхатга олиш ва тозалашлар натижасида оддий партия аъзоларидан тортиб раҳбарларгача партиядан чиқариб юборилар, айрим партия бошланғич ташкилотлари ва қўмиталари бутунлай тарқатиб юборилар эди. Партия сафидан ўчирилганларнинг кўпчилиги ўз хизмат вазифаларидан озод қилиниб, чекистлар қўлига топширилган ва қатағон қилинган. Ана шундай доимий тозалаш ва қайта рўйхатга олиш йўли билан Хоразм Компартияси сафларидаги ватанпарвар миллий ходимлар йўқ қилиниб, уларнинг ўрнига ювош ва лаганбардор, бироқ синфий жиҳатдан жуда ҳушёр, Марказнинг ҳар қандай талабларини бажаришга тайёр бўлган, бу йўлда ўз халқига, ҳатто оила аъзоларига қарши боришдан ҳам тоймайдиган янги коммунистлар қатлами шаклланди.

1922 йили 1 февралда Хоразм Компартияси расмий равишда РКП(б) таркибига кирди. Бу ҳолат Хоразм Компартияси амалда мустақил партия бўлмай, балки у россиялик коммунистларнинг бир филиалига айлантирилганлигини исботлайди. 1922 йил июлда бўлиб ўтган Хоразм Компартияси II съездида ҳамда кейинги съездларда қабул қилинган қарорлар бу фикрни тасдиқлайди. ХКП II съездида Гайфи Шарафутдинов яна партия Марказий Комитети масъул секретари қилиб сайланди³⁵.

³³Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Б. 23-24.

³⁴Ўзбекистон миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 7-12-варақлар; Р-72-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 20-30-варақлар.

³⁵Мухамедбердыев К.К. История Хорезмской революции.– С. 148.

Хоразмда ёшлар ҳаракатининг раҳбарлари сифатида Мадрахим Сайдашев, Жумамурот Қаландаров, Зариф Худойберганов каби кишиларни айтиб ўтиш мумкин. 3. Худойберганов Хоразм коммунистик ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг масъул секретари бўлган³⁶.

Хоразмдаги комсомол ташкилотларининг I таъсис қурултойи 1921 йил июнда Хива шаҳрида ўтказилган³⁷. Ёшлар иттифоқининг II қурултойи орадан бир йил ўтгач – 1922 йил 24 августда очилган³⁸. Бу пайтда Хоразмда 500 нафар комсомол аъзоси ва 25 та комсомол ячейкаси бўлган³⁹. Бироқ ёшлар иттифоқи (комсомол) коммунистик партия раҳбарлигида фаолият кўрсатиб, ХХСР ҳукуматининг сиёсатига зид иш олиб борган.

Хоразмда бу пайтда яна йирик оммавий ташкилотлардан бири касаба уюшмалари (профсоюз) бўлган. 1920 йил охирида Хоразмда профсоюз таркибида 1000 кишидан ортиқ аъзо бор эди⁴⁰.

